

## КОНСТИТУЦИЯ – ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР ПОЙДЕВОРИ

Шоназарова Наргиза Қахрамоновна

Низомий номидаги ТДПУ Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Абдуалиев Сардор Азамат ўғли

Низомий номидаги ТДПУ Тарих факультети 3-босқич талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7370473>

**Аннотация.** Мақолада, мамлакатимизда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари Конституциямизнинг бош мақсадларидан бири, барча жабхаларда кенг кўламда давом эттирилаётган ислоҳотларнинг асосий вазифаси этиб белгиланганганли ва инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр – қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланшии бош қомусимизда белгилаб қўйилганлиги шунинишдек, ушибу ҳуқуқлар амалдаги бошқа қонунлар асосида ҳам ҳимоя қилиншиига ёритилган.

**Калим сўзлар:** қонунлар, муносабатлар, умуминсоний принциплар, инсон, фуқаро, тарих, ҳуқуқлар, шахслар, онглилик, давлат, маънавият, ижтимоийлашув, инсон ҳуқуқлари, модернизация, бурч, миллий, ижтимоий манфаатлар, ўзлигини намоён қилиши

## КОНСТИТУЦИЯ - ОСНОВА ПРАВ И СВОБОД

**Аннотация.** В статье говорится о том, что защита интересов, прав и свобод человека в нашей стране является одной из главных целей Конституции и важной задачей широкомасштабных реформ во всех сферах, высшей ценностью обозначены жизнь, свобода, честь, достоинство и другие неприкосновенные права человека, а также о защите этих прав на основании других действующих законов.

**Ключевые слова:** социально – политические отношения, общечеловеческие принципы, социальная структура, гражданин, гражданская позиция, сознание, государство, право, духовность, социализация, права человека, долг, коллизионное право, модернизация, политика, национально-социальные интересы.

## THE CONSTITUTION IS THE BASIS OF RIGHTS AND FREEDOMS

**Abstract.** The article illustrates that the protection of human interests, rights and freedoms in our country is one of the main goals of the Constitution and an important task of large-scale reforms in all spheres, the highest value is life, freedom, honor, dignity and other inviolable human rights, as well as the protection of these rights on the basis of other existing laws.

**Keywords:** socio-political relations, universal principles, social structure, citizen, civic position, consciousness, state, law, spirituality, socialization, human rights, duty, conflict of laws, modernization, politics, national and social interests.

Маълумки, Конституция давлатнинг юридик хужжати ва барча қонунларнинг асоси, шунингдек, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг бош мезони ҳисобланади. Шу сабабли, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўртасида аҳолининг турли қатламлари учун ҳуқуқий ахборот манбаи бўлган ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишда жиддий ўзгаришлар юз берди. [1, Б.-5477-5489]. Конституцияда инсон ҳуқуқлари ва бурчлари механизми тўғри йўлга қўйилганлиги ҳуқуқий – умуминсоний принциплар устуворлиги билан изоҳланади. Фуқаролик жамиятида фуқароларнинг, давлат, давлат рамзлари, шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида билимга эга бўлишини англатади. [2, Б.-469-473].

Шу ўринда бир савол туғилади, тарихий жараёнларда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари қарор топишида ижтимоий тузилма сифатида давлат қандай ўрин тутган ёки аксинча, давлатларнинг пайдо бўлишида инсонларнинг иштирокичи қай тарзда бўлган? Агарда тарихий силсилалар давлатлар пайдо бўлишига босқинчилик урушлари сабаб деб кўрсатса, мамлакатда сиёсий ва ижтимоийлашув жараёнининг тезлашишида айнан инсонларнинг фуқаролик позицияси сабаб деб айтилади. Чунки давлатнинг асосий белгиларидан бири бу – аҳоли бирлиги, яъни фуқаролар ҳисобланади. Босқинчилик урушлардан чарчаган халқ муқим макон, яхлит ҳудудий бирлик ва қонун – қоидалар тизими бўлишини хоҳлади.

Бу эса ўз навбатида мамлакатда фуқаровий сифатларни шакллантириди. [3, Б.-124-125] Давлат ҳам айнан инсон ҳуқук – эркинликлари ҳамда унинг хавфсизлигини таъминлашни бош галдаги вазифа сифатида кўрди. Буларнинг барчаси эса давлатнинг кўлида ижтимоий муносабатларни тасдиқловчи, ҳимоя қилувчи ва тартибга солувчи яхлит ёзма ҳужжат бўлишлигини талаб қилди. Давлат уни қўллаб – қувватловчи шахсларнинг онглилиги ҳамда турли синфий, миллий ва бошқа ижтимоий манфаатларни ҳисобга ола билиши, бунда умуминсоний, инсонпарварлик қадриятларига таяниши билан кучли бўлади. Бундан бошқача бирон – бир давлатни тараққий этган деб ҳисоблаб бўлмайди. [4, 8-б].

Шу маънода қонун сиёsatдаги маънавиятдир. Чунки қонун ҳамма учун баробар ҳуқуқ ва масъулият юклайди ва инсонлараро муомала меъёрини таъминлашга хизмат қиласди. Якка шахс иродасининг устиворлигидан қонун устворлиги томон мойиллик кучайган сари сиёsatда маънавиятнинг аҳамияти ҳам ошиб боради. Ҳуқуқ ва маънавият икки ёндош соҳа бўлиб, бир-бирига доимо таъсир кўрсатиб туради. Уларнинг туташув ўринлари бенихоя кўп. Ҳуқуқ ва маънавиятнинг энг умумий томони ҳар иккисининг ҳам асоси мувозанат, уйғунликда эканлигидир. Қонун жамиятдаги турли ижтимоий тоифалар ва фуқаролараро мувозанат ва уйғунликни, маънавият эса инсон руҳидаги уйғунликни белгилайди, фарқи шундаки, қонуннинг мукаммаллиги уни қабул қилган инсонларнинг маънавий даражаси билан боғлиқ, яъни инсонларнинг маънавий такомил даражаси охир – оқибат қонунлар мукамаллигини таъминловчи омил бўлади. Зеро, маънавият – бу киши эгаллаган фойдали билимлар амалий ҳаётда синалиб, кўникма ва малака даражасидан ўтган ва руҳига сингин, ҳаёт тарзида акс этган ижобий сифатлар мажмуасидир [5, 108-б].

Қонунларнинг мукаммаллашиши жараённида инсон қадр – қиммати, олийжаноблик каби инсоний фазилатларга амал қилиш, инсонни эркинлигини кафолатлашга эътибор қаратилади. Албатта, булар инсоннинг маънавий олами билан боғлиқ бўлиб, унинг ривожланиши инсон руҳиятига дахлдор. Шунинг учун қонунлар замон руҳияти билан ҳамнафас тарзда ишлаб чиқилиши ва бу ўз навбатида ҳаётда юзага келадиган турли муносабатларни ягона ҳуқуқий тамойил асосида ривожлантириб бориш ўта муҳим шартлардан ҳисобланади. Қабул қилинаётган ёки ўзгартирилаётган қонунларнинг барчасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ётади. Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва бурчлари, ахлоқ нормаларининг мазмун-моҳияти, ҳуқуқий онг ва маданиятни, диний ва миллий қадриятларни, урф-одатларни ривожлантиришга қаратилган сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий тадбирлар, шунингдек ёшларда урф-одатлар, жамиятимизда содир бўлаётган воқеаларга дахлдорлик ватанпарварлик ва ҳуқуқий давлат, демократик давлат

ва эркин фуқаролик жамияти тамойиллари асосида тарбиялашни тақозо этади, чунки ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш халқимиз олдида турган олий қадриятдир. [6, 3, Б.-420-423].

Хусусан, дунё давлатлари Конституцияларини кўрадиган бўлсак унда фуқаронинг ягона ҳуқукий статуси белгилаб берилган. Европа давлатлари қонуний ислоҳотларидан асосий мақсад ҳокимиятни сақлаб қолиш эмас, аввало инсон ҳуқуки ва эркинлигини таъминлашдан иборат эканлиги ҳақидаги фикрлар ўринлидир. Ҳозирда жаҳон ҳамжамиятининг teng ҳуқуқли аъзоси бўлган мамлакатимиз ҳам бу тизимда изчил ислоҳотлар олиб бораётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Биргина мисол якунланиб бораётган 2022- йилнинг “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилиниши муносабати билан қилинган ишларнинг кўлами ва салмоғи анчагинадир. Конституциямизнинг бош мезони сифатидаги бу қадриятда халқаро ҳуқуқнинг бир қисми бўлган коллизион ҳуқуки тимсолида ҳам намоён бўлади. Аслида коллизион ҳуқуқ нима?

Коллизион ҳуқуқ – умумий амал қилиниши лозим бўлган турли ҳуқуқлар тизимини белгилайди. Жумладан, фуқаро қайси давлатнинг худудида истиқомат қилинишидан қатъий назар халқаро тусдаги ҳуқуқ нормаларига амал қилиши керак бўлади. Бу ўзаро муносабатларда умумий яқдилликни юзага келтиради, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар ёки фуқаролар ҳуқуқ ҳамда бурчлари мустаҳкамланишида яъни, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари давлатнинг ҳуқуки деб эътироф этилишига сабаб бўлади. Ўзбекистонда миллий қадриятлар ва манфаатлар асосидаги коллизион тамойиллар, юрисдикция ва тегишли процессуал нормаларни тўлиқ акс эттирувчи алоҳида концептуал жиҳатдан янги комплекс **Коллизион ҳуқуқ кодексини ишлаб чиқиш зарур**. Ушбу ҳолат бевосита мазкур соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини тўғри шакллантириш имкониятини яратади. Шунингдек юзага келадиган муаммоларни ҳам ҳал этади.

Ҳуқукий адабиётларда қонуний акт тушунчаси қўлланиши бежиз эмас. Аслида қонуний механизмчи? Маълумки, инсон ҳуқуқлари дунё сиёсий ҳуқуқларининг бир қисмини ташкил этади. Инсон ҳуқуқлари қонун ёъли билан амалга оширилганда унинг ҳуқуки ва эркинликлари тўла ишонч билан таъминлашини англатади. Халқаро стандартлар ҳуқуқ устунлиги концепциясининг қуйидаги асосий принципларини назарда тутади:

1. Халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуққа нисбатан устуворлиги;
2. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг давлат манфаатларидан устуворлиги;
3. Ҳуқуқнинг қонундан устунлиги ва қонунларнинг мамлакат
4. Конституциясига зид келишига йўл қўйилмаслиги;

Қонун устунлиги ва унинг самарали амалга оширилиши. Биз инсоннинг ижтимоий турмуши давомида юзага келадиган эҳтиёжларини ҳуқукий тизим орқали қондирилишини ҳисобга олсақ, қонулар фақат бир ҳуқуқ доирасида амал қилмасдан балки жамиятда фуқаро сифатида ҳаётий мезонларга таяниб умр кечиришларини кўрсатади.

Шунингдек, ҳар қандай тизим марказда маънавият, ахлоқ, одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак. Чунки мазкур қадриятлар жамият тараққиётининг муҳим устувор шартлари ҳисобланади. [7, -Б. 113-115]

Аслида эса жамиятда инсон маълум бир давлат фуқароси сифатида ўзлигини намоён қилишида доимо модернизациявий ислоҳотларга муҳтоҷ бўлади. Хусусан, конституциявий ислоҳотларда биргина жиҳатлар ҳисобга олинмасдан умуминсоний

принциллар назарий жиҳатдан инсон қадр қиммати, унинг табиий яшаш шароити, ягона “бўйинмас” ҳуқуки ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Аввало бундай ҳуқукий тизимлар янгиланиш жараёнларида янада мустаҳкамланиб сайқал топиб бориш замирида унга янгича соғлом рух ва қанот бағишилмоқда. Бу эса албатта умуминсоний қадриятлар устунлигини таъминлайди. Шахс ва жамият муносабати, баркамол шахсни, комил инсонни тарбиялаш ҳар бир даврда муаммо сифатида қаралган. Шу боис ҳам миллий ўзлигини англаған, маънавий баркамол шахсни шакллантириш ҳар бир даврнинг асосий мақсади ҳисобланиб келинган. [8, -Б. 29-32]. Зоро, миллий ғурур миллий ўзликни маънавий идрок этишни таъминлайди. [9, -Б. 2278-3075].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаймизки, Конституция ва қонунлар адолат тарозусидир. Унинг вазифаси - ижтимоий мўътадилликни сақлаш. Асосий қонун, яъни Конституция мамлакатда узоқ муддат ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори бўлишлиги назарда тутилади. Шу сабабли унинг ҳар бир моддаси ихчам, лўнда ва пухта, яъни ҳар жиҳатдан мўътадил бўлиши, шу билан бирга Асосий қонуннинг барча модда ва қисмлари бир-бирига нисбатан тўғри мувозанатда туриши мақсадга мувофиқдир. Юртимизнинг ҳар бир фуқароси Ўзбекистон Конституциясини синчилаб ўрганар экан, унинг барча жиҳатлардан юқоридаги талабларга мувофиқ равишида тузиб чиқилганига амин бўлади.

Глобал макондаги ижтимоий ўзгаришлар ҳар бир халқ ва турли этник-худудий бирликлар мазмунида ҳам муайян ўзгаришларни юзага келтирмоқда. [10, -Б. 142-150]. Мамлакатимизда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари Конституциямизнинг бош мақсадларидан бири, барча жабҳаларда кенг кўламда давом эттирилаётган ислоҳотларнинг асосий вазифаси этиб белгиланган. Маънавий етук инсонни тарбиялаш жамиятнинг энг асосий вазифаларидан биридир. [11, -Б. 676-688]

Зоро, инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр – қиммати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши бош қомусимизда белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу ҳуқуқлар амалдаги бошқа қонунлар асосида ҳам ҳимоя қилинади.

Инсон шаъни – олий қадрият. Шу боисдан давлатимизда олиб борилаётган барча саъй – ҳаракатлар ва ислоҳотлар марказида инсон ва унинг қадрини улуғлаш туради. Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш давлатимиз раҳбари сиёсатининг энг асосий йўналишларидан биридир. Бу эзгу тамойил ҳаётимизда ўз ифодасини топиб келмоқда.

## REFERENCES

1. Buvabaevna K. Y. Issues of Civil Literacy Development in the Education System //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 5477-5489.
2. Kadirova Y. B. The Advantages of Improving Students' Civic Literacy in Building a Democratic State Governed by the Rule of Law //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2021. – Т. 8. – №. 5. – С. 469-473.
3. Buvabaevna K. Y. THE IMPORTANCE OF VALUES IN ENHANCING CIVIL LITERACY IN STUDENTS //Archive of Conferences. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 124-125
4. Нажимов М., Сайдуллаев Ш. Давлат функциялари. Т., 2004.
5. Каримов Ж. Баркамол инсон фалсафаси. Ўқув қўлланма. Т., 2010.

6. Kadirova Y. LOVING THE COUNTRY IS FAITHFUL //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. B4. – С. 420-423
7. КАДИРОВА Х. МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИКГА ИЖТИМОИЙЛАШУВ, МАДАНИЙ, ТАРИХИЙ МЕРОС ВА ТИЛНИНГ ТАЪСИР ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ //UNIVERSITETI XABARLARI, 2022,[1/9] ISSN 2181-7324.
8. Кадирова Х. Б. Главная духовная ценность и личность человека //Фэн-наука. – 2015. – №. 1. – С. 29-32.
9. Kadirova H., Akhmedova F. Sociological Analysis of the Nation's Identity, the Levels of Feeling the National Identity in Uzbekistan //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN. – С. 2278-3075.
10. Кадирова Х. Б. Миллий идентиклик ва миллий ўзликни англаш муаммоларини социологик тадқиқ этиши методологияси //ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2022. – №. SI-1.
11. Kadirova H. The Place Of Karakalpak Ethnoculture In The Integration Of Society //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 04. – С. 676-688
12. Kolizion huquq kodeksi – u nima beradi? <https://www.xabar.uz/uz> Смирнова, КЖ Туленова. Герменевтика как метод анализа литературы.- «Евразийский Научный Журнал № 6 2017»(июнь, 2017)
13. BUVABAEVNA K. Y. LEGAL BASIS OF FORMATION OF CIVIC CULTURE IN STUDENTS KADIROVA YAKITJAN BUVABAEVNA: LEGAL BASIS OF FORMATION OF CIVIC CULTURE IN STUDENTS KADIROVA YAKITJAN BUVABAEVNA //Journal of Information Computational Science. – 2021. – №. 1.
14. Raximbabayeva Nigora Abdurasulovna. AXBOROTLASHGAN JAMIYATDA SHAXS VA OILA, ULARNING O'ZIGA XOSLIGI. 2022.B. 1363-1372
15. Bekmurodov M., Akhmedova F., Kadirova K. Study the process of harmonization formation of personal and professional qualities at students //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – Т. 24. – №. S1. – С. 597-605.